



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА ХОРИЖ АМАЛИЁТИ

О.Рузимуратов,

Самарқанд иқтисодийёт ва сервис институти

Самарқанд, Ўзбекистон

ANALYSIS OF LENDING ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS AND FOREIGN PRACTICE

O. Ruzimuratov,

Samarkand Institute of Economics and Service

Samarkand, Uzbekistan

JEL classification: G21, E51, F65, P45

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини ташкил этишининг назарий ва ҳуқуқий асослари, банк тизими активлари таркиби ва кредит портфелининг тармоқлар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган.

Шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва муаммоли кредитларнинг амалий ҳолати тадқиқ этилган.

Abstract. This article analyzes the theoretical and legal foundations of the organization of lending activities of commercial banks in our country, the structure of the assets of the banking system and the distribution of the loan portfolio by sectors.

Also, specific aspects of lending activities of commercial banks in developed and developing countries and the practical situation of problematic loans are studied.

Калим сўзлар: банк кредити, кредит портфели, муаммоли кредитлар, захиралар, муддати ўтган қарздорлик, банк кредит сиёсати, банк рисқи, "Pre-collection", "Soft-collection", "Hard-collection", "Legal-collection", кредит таъминоти, диверсификация.

Keywords: bank loan, loan portfolio, problem loans, reserves, overdue debt, bank credit policy, bank risk, "Pre-collection", "Soft-collection", "Hard-collection", "Legal-collection", loan supply, diversification.

Кириш. Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар кредитлаш амалиётини янада содалаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва фоиз ставкаларини оптималлаштириш, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Мамлакат банк тизимини ислох қилиш стратегиясида "...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш" устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган.[1]

Материал ва метод. Ижтимоий жамиятда товар-пул муносабатларининг

пайдо бўлиши кредитлаш амалиёти шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Зеро, товар-пул муносабатлари амал қилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда кредитни вужудга келиши ва кредитлаш муносабатларини амал қилишини ҳамда бу жараён муттасил ривожланиб боришини тақозо этади. Бироқ, сўнги йилларда кредит ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш, шунингдек кредит таъминоти билан боғлиқ қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Д.МакНотон ўз илмий ишларида тижорат банкларнинг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш ва тартибга солиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш хусусидаги масалаларга тўхталган ҳолда қуйидаги фикрларни баён этган: ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди [2].

В.Усоскин "Замонавий тижорат банки: операциялари ва бошқариш" номли монографиясида тижорат банкларнинг кредитлаш амалиётининг асосий жиҳатларини тадқиқ қилган ва бир қатор илмий хулосаларни шакллантирган. Масалан, тижорат банки кредит линияни очиш йўли билан мижозни кредитлаши ва бу йўл билан кредит рискинни сезиларли даражада пасайтириши мумкин.[3]

И.Юдинанинг илмий хулосасига кўра, ривожланаётган давлатларда рискларни оқилона диверсификация қилиш - тижорат банклари кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг бирламчи ва зарурий шarti ҳисобланади.[4] Фикримизча, ушбу илмий хулоса Ўзбекистон банк амалиётида муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби шундаки,

айрим тижорат банклари фаолиятининг диверсификация даражаси паст эканлиги ва ихтисослашувнинг юқорилиги, рискларни бошқаришнинг замонавий усуллари амалиётга жорий этилмаганлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодчи-олимларидан Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, тижорат банкларининг кредит операциялари деганда, маълум шартлар асосида, яъни қайтаришлилик, муддатлилик, тўловлилик шартлари асосида маълум бир миқдордаги пулни (ёки товарни) қарзга бериш жараёнларини амалга ошириш тушунилади.[5]

Профессор Т.Каралиевнинг фикрига кўра, кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти-банк (қарз берувчи) ва мижоз (қарз олувчи) нинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўлатўкис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ.[6]

Маҳаллий олимларимиздан яна бири О.К.Иминовнинг фикрига кўра, кредит бу қарз капиталининг ҳаракатидир.[7]

Банкда ишонч уйғотадиган, муайян ва ҳуқуқий кафолатларга эга бўлган, кредит учун фоиз тўлашни ва уни кредит муассасасига қайтариш истагида бўлган мулкчиликнинг исталган субъекти бунда қарз олувчи бўлиши мумкин.

Натижалар. Республикамиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқуқ асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган банк фаолиятига тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатлари ва тартиблари тўплами ҳисобланади.

Кредитлаш операцияларини ташкил этиш, амалга ошириш ва уларни назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш бўйича банк томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган банкнинг кредит сиёсати асосий ҳужжат ҳисобланади.

Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи

таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.

Банкларнинг кредит сиёсатига қўйилган асосий талаб кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шартлигидадир. Тижорат банклари кредит сиёсати банк Бошқаруви томонидан алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқи

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркиби¹, фоизда

| Активлар | 01.01.2019 | 01.01.2020 | 01.01.2021 | 01.01.2022 | 01.01.2023 |
|--|------------|------------|------------|------------|------------|
| Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари | 2,4 | 3,0 | 2,7 | 2,4 | 3,5 |
| Марказий банкдаги маблағлар | 4,0 | 3,8 | 5,1 | 7,1 | 6,6 |
| Бошқа банклардаги маблағлар-резидент | 3,1 | 3,6 | 3,6 | 3,0 | 3,1 |
| Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент | 7,5 | 4,3 | 5,9 | 5,6 | 6,8 |
| Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар | 1,1 | 2,8 | 2,6 | 4,4 | 5,7 |
| Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари | 0,9 | 0,7 | 0,4 | 0,3 | 0,3 |
| Кредит қўйилмалари, (соф) | 76,8 | 75,2 | 73,8 | 71,1 | 68,1 |
| Асосий воситалар, (соф) | 1,6 | 2,3 | 2,3 | 2,5 | 2,6 |
| Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар | 1,3 | 2,4 | 2,2 | 2,1 | 2,2 |
| Банкнинг бошқа хусусий мулклари | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | 0,6 |
| Бошқа активлар | 1,3 | 1,7 | 1,1 | 1,2 | 0,7 |
| Жами активлар | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

2018 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 28,7 фоизга ёки 47,8 трлн. сўмга ўсиб, 2019

йилнинг 1 январь ҳолатига 214,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 68,1 фоизни ташкил этган. Жами

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари (<https://cbu.uz/oz/statistics/>)

кредитларнинг банк активлари таркибидаги улушининг пасайишини ижобий баҳолаш мумкин.

Банк активлари таркибида кредитларнинг улушининг юкорилиги бир томондан банкнинг барқарор даромад манбаи ҳисоблансада, бошқа томондан салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Кредитларнинг улушини юкори бўлишининг салбий жиҳатлари қуйидагилар:

- банк активлари таркибида кредитлар улушининг юкори бўлиши кредит рискининг даражасини оширади;
- банк активлари диверсификация даражасини пасайтиради;
- банкнинг битта соҳадаги активларига боғлиқлик даражасини оширади;
- самарали йўлга қўйилмаган кредит сиёсати натижасида банкнинг

зарар кўриш rischi ва рентабеллик кўрсаткичлари пасайиш хавфи ошади;

- кўрилиши мумкин зарарларнинг ортиши натижасида банкнинг рақобатбардошлиги пасаяди ва бошқалар.

Ушбу кўрилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш учун халқаро амалиётда тижорат банклари фаолияти турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказиш, келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига салбий таъсир кўрсатувчи хатарларни камайтириш чоралари кўриб қўлланилади.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган даражаси республика банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарларни мўътадил даражада сақлаб туришга имкон беради.

2-жадвал

Тижорат банклари портфелининг тармоқлар бўйича улуши², фоизда

| Тармоқлар | 01.01.2019 | 01.01.2020 | 01.01.2021 | 01.01.2022 | 01.01.2023 |
|---|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| Саноат | 39,80 | 35,7 | 36,9 | 36,0 | 32,5 |
| Қишлоқ хўжалиги | 5,60 | 8,1 | 10,1 | 10,7 | 10,8 |
| Қурилиш соҳаси | 3,50 | 2,8 | 2,7 | 2,8 | 2,7 |
| Савдо ва умумий хизмат | 6,40 | 6,8 | 7,2 | 8,4 | 7,4 |
| Транспорт ва коммуникация | 12,50 | 11,1 | 9,6 | 8,8 | 7,6 |
| Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш | 1,60 | 1,6 | 1,4 | 1,2 | 1,0 |
| Уй-жой коммунал хизмати | 1,10 | 1,2 | 1,4 | 0,7 | 0,5 |
| Жисмоний шахслар | 14,60 | 18,9 | 19,8 | 21,3 | 25,9 |
| Бошқа соҳалар | 14,90 | 13,7 | 10,9 | 10,0 | 11,7 |
| Жами кредитлар | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

Хусусан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит

қўйилмаларининг 39,8 фоизи саноат, 12,5 фоизи транспорт ва коммуникация соҳаси,

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари (<https://cbu.uz/oz/statistics/>)


6,4 фоизи савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси, 5,6 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси, 3,5 фоизи қурилиш соҳаси ҳамда 14,6 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2023 йилда эса жами кредит қўйилmalarининг 32,5 фоизи саноат тармоғига тўғри келмоқда. Бу халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди) экспертларининг тавсиясига деярли тўғри келади, яъни битта соҳага ёки тармоққа ажратилган кредитлар жами кредит портфелининг 25 фоизи миқдоридан бўлиши энг оптимал вариант деб ҳисоблашади. Қолаверса, жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг улуши ўтган йилга нисбатан 4,8 фоиз бандга ошган ва 25,9 фоизни ташкил этган.

Ўз навбатида, банкларда кредитларни қарздорлар қирқимида ундириш ишлари самарадорлигини ошириш ва молиявий ресурсларни банк айланмасига қайтаришда "Pre-collection" (0), "Soft-collection" (1-30), "Hard-collection" (30+), "Legal-collection" (90+)

каби замонавий ёндашув усулларидан фойдаланилганлиги натижасида кредитларнинг қайтувчанлик даражаси ошмоқда. Аммо кредитларнинг маълум бир қисми қайтмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Пандемия сабабли муддати ўтган кредитларнинг янги захираси йўқлиги сабабли, қарзни бартараф қиладиган Европа банклари учун бирламчи бозор нисбатан қулай бўлиб қолмоқда. Мавжуд муаммоли активларни тасарруф этиш, хусусан Греция ва Италия каби бозорларда давлат аралашуви бундай савдоларни қўллаб-қувватлаган бозорларда давом этмоқда, бироқ банклар ўз муаммолари билан ишлаганлиги сабабли уларнинг ҳажми кескин камаймоқда. Европа банклари томонидан 2021 йилда берилган кредитларининг 100 миллиард еврога яқини муддати ўтган кредитларга айланди. Бу кўрсаткич 2020 йил пандемия сабабли бозорда кенг дислокация бўлган йилга қараганда юқори.



1-расм. Айрим ривожланган давлатларда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши³, фоизда

³ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари (<https://data.worldbank.org/indicator/>)

Ривожланган давлатларда муаммоли кредитларнинг жами активлардаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг барчасида муаммоли кредитларнинг улуши тавсия этилган чегарадан пастда эканлигини кўришимиз мумкин. Халқаро экспертларнинг тавсиясига кўра, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 3 фоизгача бўлиши бу нормал ҳолат ҳисобланади.


Таҳлил қилинаётган давлатлар ичида энг паст кўрсаткич Канадага тегишли бўлиб, 2015-2022 йиллар мобайнида муаммоли кредит (NPL)ларнинг улуши 0,3-0,5 фоиз атрофида бўлган.

Буюк Британияда эса муаммоли кредитларнинг улуши ўртача 1 фоизни

ташқил этмоқда. Ҳаттоки 2017 йилда 0,77 фоизга қадар пасайган, аммо кейинги йилда 0,36 фоиз бандга ошиб 1,07 фоизни ташқил этган. Тегишли чораларни кўриш натижасида 2022 йилга келиб 0,96 фоизга тушган.

АҚШда муаммоли кредитларнинг ҳажми турли йилларда 1,0-1,5 фоиз атрофида бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2015-2019 йилларда муаммоли кредитлар ҳажми пасайишда давом этган бўлса, 2022 йилда 0,3 фоиз пунктга ошган ва 1,2 фоизни ташқил этган.

Таҳлил қилинаётган давлатлар ичида нисбатан юқори бўлган давлат бу Япония бўлиб, муаммоли кредитларнинг улуши 1,1-1,6 фоизни ташқил этганлигини кўришимиз мумкин.



2-расм. Айрим ривожланаётган давлатларда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши⁴, фоизда

⁴ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари (<https://data.worldbank.org/indicator/>)

Ривожланаётган давлатлардаги муаммоли кредитлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, бунда жуда катта диапазонда ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Хитойда муаммоли кредитларнинг улуши 2015-2022 йилларда 1,2-1,9 фоиз атрофида тебраниб турганлигини кўришимиз мумкин. 2019-2020 йилларда муаммоли кредитларнинг улуши жамикредит портфелига нисбатан энг юқори чўққига етди, яъни 1,9 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби сифатида пандемиянинг ишлаб чиқарувчиларга таъсири ва экспортнинг пасайишини келтириш мумкин. Таҳлил қилинаётган давлатлар ичида муаммоли кредитларнинг улуши бўйича энг барқарор давлат сифатида Хитойни кўришимиз мумкин.

Яна бир йирик иқтисодиётга эга бўлган Бразилия давлатининг банк тизимидаги муаммоли кредитларни таҳлил қиладиган бўлсак, бунда жами кредитларда муаммоли кредитларнинг улуши таҳлил қилинаётган даврда 1,9-3,1 фоиз атрофида тебраниб турганлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилда Бразилияда муаммоли кредитларнинг улуши энг юқори даражага етди, яъни 3,1 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби сифатида қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг катта қисмини қайтмаслиги билан изоҳланади.

Осиёнинг жадаллик билан ривожланаётган давлатларидан бири Индонезияда муаммоли кредитларнинг ҳажми 2015-2022 йилларда 2,0-2,8 фоиз атрофида тебраниб турган. 2017 йилда 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги икки йилда мос равишда 0,2 фоиз банд пасайган. Аммо 2020-2022 йилларда 0,2 фоиз банд ошган. Мазкур ҳолат Индонезиянинг экспорти ҳажмини

пасайиши ва истеъмол кредитларининг ўсиши билан изоҳланади.

BRICS давлатларининг аъзолари бўлмиш Россия, Ҳиндистон ва ЖАР давлатларида муаммоли кредитлар улушининг баландлиги ва ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Россияда 2015-2021 йилларда муаммоли кредитларнинг 6,8-9,7 фоиз атрофида бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳиндистонда эса таҳлил қилинаётган даврда 4,3-10 фоиз атрофида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги аниқланди. 2018 йилдан бошлаб уларнинг улушини муттасил пасайтириб, 2022 йилда 6,5 фоизга қадар туширишга эришилган.

Жанубий Африка Республикасида эса мазкур даврда муаммоли кредитлар улуши 3-4,5 фоизда тебраниб турганлигини кўришимиз мумкин.

Ривожланаётган давлатларда муаммоли кредитларнинг улуши ривожланган давлатларга нисбатан бироз баландроқ эканлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири ривожланаётган давлатлар банкларининг активлари таркибида кредитларнинг улуши ниҳоятда юқори эканлиги ҳисобланади. Чунки, кредит берилганда албатта унинг қайсидир қисми муаммоли кредитларга айланади. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Ушбу таҳлиллар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, ривожланаётган давлатларнинг аксарият қисмида тижорат банкларининг активлари таркибида кредитларнинг улуши баланд ва улар 50 фоиздан ортиқ улушга эга. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

мамлакат банкларининг асосий даромади кредитлардан иборат;

мамлакатда фонд бозори ва валюта бозорининг ривожланмаганлиги;

банкларнинг воситачилик операциялари (консалтинг, траст, форфейтинг ва бошқалар)ни ривожланмаганлиги;

инновацион банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги ва талабнинг мавжуд эмаслиги;

банк мижозларининг молиявий саводхонлиги ва бошқалар.

Ривожланган давлатларда эса кредитларнинг улуши нисбатан паст ва инвестицияларнинг улуши юқори ҳисобланади.

Хулоса. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни самарали ташкил этиш учун учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

* Мижозни профиллаш: иложи борича мижоз тўғрисида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мижозни профиллашни англатади. Молиявий активлар ва уларнинг молиявий ва истемол хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштириш юқори даражадаги мувозанатни сақлашга ёрдам беради.

* Чакана стратегияни аниқлаш: бу ҳар бир мижоз профилига энг яхши маҳсулотни таклиф қилади, мижозларнинг хатти-ҳаракатлари, шахсий

даромадлари ва соф қиймати ҳақидаги маълумотларни бирлаштиради.

* Операцион моделин қайта лойиҳалаш: Корпоратив кредитлар учун операцион моделни қайта ишлаб чиқиш, кредит ва тижорат бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликни осонлаштириш учун иш оқимини бошқариш воситасини ишлаб чиқиш ва масъуллар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.

* Юридик хизматларни оптималлаштириш: самарали тикланган қийматга қараб қийматга асосланган компенсация моделини оптималлаштириш ва қабул қилиш юридик харажатларнинг 20-30 фоизга қисқаришига ва умумий тикланиш вақтидаги имтиёзларга олиб келиши мумкин.

* Гаровни бошқариш: мулк қиймати ҳақида маълумот бирлаштириш илғор аналитикадан фойдаланиб, гаров, қарз олувчилар, кафилларни кузатиш мумкин. Гаровни яхшироқ бошқариш гаров позициялари бўйича кредит йўқотишларини 5-10 фоизга камайтириши мумкин.

* Огоҳлантирувчи ва истиқболли моделлар: ушбу ўзгариш кредит портфели сифатини яхшилаш учун башоратли таҳлиллардан фойдаланиши мумкин, портфелнинг ёмонлашувини 30-40 фоизга камайтириш имконини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.

2. Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.-ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 1993.-С.75

3. В.М.Усоскин. Современный коммерческий банк: управление и операции. - Москва:ВАЗАР-ФЕРРО», 1994.-с.189.

4. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления,



развития и кризисов. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С. 29.

5. Ш.З.Абдуллаева. Кредит ва кредитлаш амалиёти. Монография. – Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 368 б.

6. У.Ў.Азизов, Т.М.Каралиев ва бош. Банк иши. Дарслик. – Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 768 б.

7. Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент, 2002. -38 б.

8. <https://data.worldbank.org/indicator/>

9. <https://cbu.uz/oz/statistics/>